

*Биз ҳам мутахассислармиз!*

# ЖАМОАЛАР

үчүн мүлжалланган жамоа бошчилигидаги  
тадқиқотларни ўтказиш бўйича  
Амалий қўлланма



Ушбу Эслатмада сиз Жамоалар бошчилигидаги тадқиқотлар бүйічә амалий құлланмада тавсифланған асосий стратегиялар ва тавсияларни топасиз.

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларда құлланыладиган Сұровнома намунасини ушбу Эслатма билан бирға олишингиз ва уни үз жамоанғыз учун мослаштириб, ундан фойдаланишингиз мүмкін.



Амалий құлланма



Эслатма



Сұровнома

---

© Мұаллифлик ҳуқуқи Халқаро  
масъулият лойиҳасига тегишли  
[www.accountabilityproject.org](http://www.accountabilityproject.org)  
Дизайн: Летициа Фарисато

Тасвирлар: Харис Ичван

Таржима: YaTT Nasirova Zaytuna Anvarovna

Сахифалаш ишлари: Александр Шербина

# ЖАМОА БОШЧИЛИГИДАГИ ТАДҚИҚОТ НИМА?

Сиз “тадқиқот” сүзини әшитганингизда ҳаёлингизга нималар келади? Сизга тадқиқот бутуналай бошқа инсонлар томонидан қилинадиган ишдек туюладими? Бу факат университетлар профессорлари қилиши мүмкін бўлган, бошқалар учун эса имконсиз бир нарса деб ўйлайсизми?

Тадқиқот юқорида айтиб ўтилганлардан бири бўлиши шарт әмас. Бизнинг фикримизча, тадқиқот жамоавий сай-ҳаракатлар бўлиши, жамоалар ўзлари танлаган мавзуни аниқлаш, тадқиқотлар олиб бориш ва ўтказишига ҳақли эканликларини ҳис этадиган, иштирок этган ҳар бир киши тўпландиган билимларга ўз ҳиссасини қўшадиган, баҳам кўрадиган ва бу билимларни кўпайтирадиган жараён бўлиши керак.

Меконг Жамоа тадқиқотлари институти жамоалар бошчилигидаги тадқиқотлар тушунчасини “Жамоа аъзолари томонидан жамоа фойдаси учун маҳаллий билимларга таянган ҳолда билим излаш”, деб таърифлайди. Бошқа турдаги тадқиқотларда, тадқиқот ишлари жамоадан ташқарида бўлган одамлар томонидан бериладиган саволлардан бошланади.

**Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни** ўтказишар экан, жамоа аъзолари ўз тажрибалари ва билимларини орттириш, таҳлил қилиш ва тушунтириш имконини берадиган ўз мавзулари, саволлари ва жараёнларини белгилайдилар. Жамоа томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар ёрдамида жамоа ўзининг маҳаллий билимлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянади ва ҳосил бўлган билимларга әгалик қиласди. Жамоалар энди факат тадқиқотнинг дикқат марказидаги нарса ёки унинг обьекти бўлмаслиги керак. Бу нафақат тадқиқотчилар ёки олимларнинг иши - **жамоалар ҳам мутахассислардир!**

Дарҳақиқат, жамоа аъзолари ўз тадқиқотларини олиб борганларида, бегоналар топа олмайдиган нарсаларни аниқлашлари мүмкін.

Жамоалар ўз ён-атрофларидаги шароит ва атроф-муҳит түғрисида қарор қабул қилувчилар ва лойиҳаларни режалаштирувчилар билмасликлари мумкин бўлган билимларга эга бўлишади. Кўпинча тадқиқот жараёни жамоаларга дуч келадиган муаммоларни яхшироқ тушунишга, уларнинг билимлари ва ғояларига бўлган ишончни шакллантиришга, ҳамжамият аъзолари ўртасида бирдамлик ва масъулиятни кучайтиришга ва жамоани ташкил қилиш учун зарур кўникмаларни ўрганишга ёрдам беради. Тадқиқот жараёнида орттирилган кўникмалар ва қилинган хуносалар ижтимоий кампанияларини биргаликда ўтказиш учун фойдали бўлиши мумкин.

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар натижалари муқобил варианtlар мавжудлигини ва бутун ривожланиш жараёни, **жамоалар ўз ҳокимиятларига даъво қилиши учун** ўзгартирилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Жамоалар ўзларини ва қарашларини ривожланиш жараёнининг марказига қўйганда, жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар кучли воситага айланиши мумкин!

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларнинг мавжуд услубларига таянган ҳолда, биз ҳамкорларимиз билан ушбу Эслатмани жамоалар, жамоа ташкилотчилари ва жамоалар олиб борадиган тадқиқотларга қизиққан маҳаллий фуқаролик жамияти гуруҳлари учун қўлланма сифатида ишлаб чиқдик.

**Ушбу Эслатма** жамоага ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлашучун жамоа бошчилигидаги тадқиқотлардан қандай фойдаланиши мумкинлиги ҳақидаги асосий қадамларни белгилайди.

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларнинг муҳим уч босқичи: **тайёргарлик ишлари, тадқиқ қилиш ва тарғиб қилиш** босқичлари киритилган.

1	<b>Тайёргарлик ишлари:</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тадқиқот мавзусини аниқлаш;</li> <li>2. Тадқиқот гурухини түзиш;</li> <li>3. Ҳамкорлар ва таъсир кўрсатиш кучига эга бўлганларни аниқлаш;</li> <li>4. Ҳавфсизлик билан боғлиқ хатарларни бартараф этиш;</li> <li>5. Тадқиқот воситаларини ишлаб чиқиш.</li> </ol>
2	<b>Тадқиқот:</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>6. Жамоани ҳар тарафлама жалб қилиш;</li> <li>7. Маълумотларни йиғиш;</li> <li>8. Лойиха ва тавсияларни түзиш;</li> <li>9. Тескари алоқа учун лойиха версиялари билан ўртоқлашиш.</li> </ol>
3	<b>Тарғиб қилиш:</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>10. Якуний тадқиқотлар ва тавсиялар билан ўртоқлашиш;</li> <li>11. Биргаликда ҳаракат қилинг!</li> <li>12. Акс эттириш.</li> </ol>

ХМЛ Осиё Тинч океани хотин-қизлари ҳуқуқлари ва ривожланиш бўйича форуми (ОТОРФ) ва Меконг жамоа тадқиқотлари институтига (МЖТИ) ушбу Эслатмага киритилган чуқур муроҳазалари ва фойдали воситалари билан ўртоқлашгани учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

# *Тайёргарлик ишлиари*

## 1. ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИНИ АНИҚЛАНГ

Тадқиқот учун энг мұхим саволларни аниқлаш мақсадида имкон қадар күпроқ одам иштирокидаги **жамоа үйгіні** ёки бир нечта гурух қатнашадиган сұхбатларни ташкиллаштириңг. Шу каби сұхбатларда камтамсил әтилған ва четлаштирилған хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлар ва жамоанинг бошқа аъзолари ҳам жалб қилинишини таъминланг.

Учрашувни режалаштираётганда, аввало **жамоаңғыздаги муаммоларни очиқ мұхокама қыладыған учрашувни ташкил этиш неочөлік хавфсиз эканлиги түғрисида үйлаб қүринг.** Ҳокимият томонидан кераксиз эътиборни жалб қилмаслик учун, масалан, маъбаддаги анъанавий маросим ёки мунтазам үтказиб туриладыған жамоат табиирлари пайтида үзингизнинг туралыған жойни стратегик нұқтаи назардан туриб танлашынғиз керак бўлиши мумкин. Жамоанинг ишонса бўладыған етакчиларини аниқланг ва уларга мурожаат қилинг. Агар катта үйғилиш үтказиш жуда хавфли бўлса, үзингизнинг жамоаңғыздаги турли гурӯхлар билан кичик норасмий баҳсларни үтказсангиз ҳам бўлади.

Учрашгандан сўнг, **тадқиқот мавзусини** ва нимани ўрганишни хоҳлаётганингизни **аниқланг.** Тадқиқотни қандай амалга ошириш кераклиги, қандай роллар ва воситалар кераклиги ва тадқиқотингизни

якунлаш учун зарур бўлган реал вақт оралиғи тўғрисида биргаликда қарор қабул қилинг.

Сиз аниқлаган мавзу тараққиёт банклари, лойиҳа ишлаб чиқувчилар ёки ҳукумат расмийлари томонидан бошқача кўриб чиқилиши мумкин. Уларнинг даъволарига қарши, айниқса, улар нотўғри бўлган ҳолларда ёки тўлиқ бўлмаган тақдирда эътиroz билдирилиши мумкин. Масалан, лойиҳанинг инсонлар ва атроф-муҳитга мавжуд ва потенциал таъсирини ўрганадиган жамоалар “расмий ҳужжатлар” да етишмаётган, чиқариб ташланган ёки нотўғри маълумотлар билан ўртоқлашишлари мумкин.



## Ресурслар қутуси:

---

**Муаммони аниқлаш ва таҳлил қилиш:** Жамоани ривожлантириш учун ташкиллаштиришда тадбирлар ўтказиш, ўқитиш, ўрганиш ва бошқаларни ўратиш бўйича ресурслар ва маслаҳатлар берадиган Жамоа воситалари тўпламидан олинган воситалар

→ [bit.ly/ComAnalyze](http://bit.ly/ComAnalyze)

---

**Қишлоқ китоби:** Қишлоқ китобларини яратиш жараённида одамлар ўз қишлоқлари муаммолари сабабларини тушунишга эришиш учун умумий вазиятни таҳлил қиладилар ва ҳужжатлаштирадилар.

→ [bit.ly/VillageBookActionAid](http://bit.ly/VillageBookActionAid)

---

## 2. ТАДҚИҚОТ ГУРУХНИИ ТУЗИНГ

Тадқиқот гурӯхини тузиш учун жамоа аъзоларига мурожаат қилинг. Гурӯх аъзолари кенг таркибдаги жамоа билан маълумот алмашишади, саволлар беришади ва тўпланган маълумотларни йиғишади. Гурӯх жамоадаги кўплаб тоифадаги одамларни, айниқса кам тамсил этилганлар ва четлаштирилганларнинг вакили бўлиши керак. Жамоа аъзоларининг сони тадқиқот ҳажмига боғлиқ, аммо одатда камида 10 киши керак бўлади.

**Жамоангизни ўргатиш жуда мұхим ақамиятга әга.** Жамоангиз билан биргаликда нима учун сизнинг жамоангиз ушбу тадқиқотни амалға ошириш йўлини танлаганини, тадқиқотнинг мақсадлари ва ҳар бир аъзонинг қандай ролларни бажаришини тушуниб етишга ҳаракат қилинг. Жамоа аъзолари, иштирокчилар билан яkkама-якка ёки кичик гурухларда сұхбатлашиш ва интервьюлар олиш қулай бўлиши керак. Эсингизда бўлсин, тадқиқот жараёни аслида маълумот алмашинувидир ва иштирокчиларда саволлар туғилиши мумкин. Тадқиқот гурухининг ҳар қайси аъзоси тадқиқот мавзусини ва ҳар қандай жамоат томонидан олиб бориладиган барча ривожланиш режаларини тушуниши керак.



**Ресурслар  
қутуси:**

#### **Жамоа асосидаги тадқиқотлар бўйича ўқув кўлланмана:**

Жамоа тадқиқотчилари учун машғулотлар ва машқлар, шу жумладан, тадқиқот концепцияси ва тадқиқот воситалари, масалан, сўровномалар, интервьюлар ва фокус-гурухлар билан таништирувчи ўқув кўлланмана.

→ [bit.ly/CBPRManual](http://bit.ly/CBPRManual)

### **3. ҲАМКОРЛАР ВА ТАЪСИР КЎРСАТИШ КУЧИГА ЭГА БЎЛГАНЛАРНИ АНИҚЛАНГ**

Сизнинг тадқиқот гурухингиздан ташқари, бошқа ҳамкорлар ҳам тадқиқот жараёнинга ўз ҳиссаларини қўшиши мумкин. Сизнинг жамоангиз аъзолари иш билан банд бўлишлари ёки тадқиқот жараёнининг барча босқичларига ҳисса қўшишга вақтлари бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда талабалар ва маҳаллий фуқаролик жамияти гурухлари сингари ҳамкорларга мурожаат қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Масалан, сиз ишонч билдирган университет талабаси тадқиқот воситасини лойиҳалаштириш учун техник ёрдам таклиф қилиши ёки маълумотларни тартибга солиш тизимини яратиши мумкин. Ҳудди шу лойиҳа, компания ёки банк таъсири доирасига тушган ёки шунга ўхшаш тадқиқотни ўтказган бошқа жамоалар маслаҳати ва ёрдамига мурожаат қилинг.

Маҳаллий, миллий ва халқаро фуқаролик жамияти ташкилотлари тадқиқотга оид қўшимча маълумотларни тақдим этиши ва тадқиқот тутагандан сўнг унинг натижаларини мақсадли аудиторияга етказиши ва қарор қабул қилувчиларга мурожаат қилиш учун ахборотни кенгайтириши мумкин. Сиз ишонч билдирган олимлар ва ҳукумат аъзолари тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда ва асосий натижалар ва кенг тенденцияларни аниқлашда ёрдам беришлари мумкин. Мақсадларингизга қараб, қўшимча ҳамкорлар тадқиқот натижаларини графика, ёзма маъруза ёки видео шаклида ташкил қилишда ёрдам беришлари мумкин.

Агар бу жамоа учун хавфсиз бўлса ва тадқиқот ёки кампанияни хавф остига қўймаса, лойиха тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган асосий мансабдор шахслар ва лойиха бўйича қарор қабул қилувчилар билан боғланиш ҳақида ўйлаб кўринг. Уларга нималар таъсир кўрсатаётганини ўрганинг ва улар билан ўзаро ҳамкорлик қилишни хоҳлашингиз ёки хоҳламаслигингиз ва қандай қилиб ўзаро ҳамкорлик қилмоқчи эканлигингиз ҳақида олдиндан қарор қилинг. Масалан, тадбирларингиз мақсадларига эришиш стратегиянгизни такомиллаштиришга ёрдам бериши учун ҳамкорлар, мансабдор шахслар ва қарор қабул қилувчилар ўртасидаги муносабатларни визуал равишда харитада акс эттиринг. Шунга қарамай, агар кампания учун хавфсиз ва фойдали бўлса, тадқиқот тўғрисида уларга хабар бериш учун учрашув ёки телефон орқали қўнғироқлашиш вақтини белгиланг. Агар улар билан яхши муносабатда бўлсангиз, маҳаллий жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар доирасида қандай саволларга жавоб олишларини хоҳлашлари тўғрисида сўранг.

Ҳамкорлар ва қарор қабул қилувчилар билан боғланишдан олдин, хавфсизлик билан боғлиқ хатарларни таҳлил қилганингизга ва биргаликда аниқ, содда хабарномалар тўғрисида қарор қабул қилганлигингизга ишонч ҳосил қилинг. Ушбу хабарларни дикқат билан ҳужжатлаштиринг ва тартибга солинг, иложи бўлса, учрашувлар ва суҳбатлар тўғрисидаги ёзиб олинган қоғозларни сақланг.



## Ресурслар құтиси:

### Күчириш ва күчишни күзда тутган лойиҳалар билин нималар қилиш керак

Ушбу БМТнинг муносиб турар-жой билан таъминлаш масалалари бүйича маърузачиси томонидан тайёрланған ўқув қўлланмасида келтирилган вазифалар, сизнинг тадқиқот мавзунингиз иштирокчилари ва салоҳиятли ҳамкорларни аниқлашга ёрдам беради.

→ [bit.ly/UNForcedEviction](http://bit.ly/UNForcedEviction)

**Чапати диаграммаси:** Гурухлар ва ташкилотлар ичida ва улар орасидаги турли хил динамикани текширишга ёрдам берадиган ActionAid дан олинган восита

→ [bit.ly/ChapattiDiagram](http://bit.ly/ChapattiDiagram)

**Дарвозабон воситаси:** Сизнинг тарғибот ёки ташвиқот ишларингиз билан боғлиқ бўлган қарор қабул қилувчиларни топишга ёрдам бера оладиган одамларни топиш учун мўлжалланган ActionAid воситаси.

→ <http://bit.ly/gatekeepertool>

## 4. ХАВФСИЗЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ХАТАРЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИНГ

Тадқиқот жараёнининг барча босқичларида тадқиқот гурухингиз ва жамоангиз хавфсизлигини ҳимоя қилинг. Баъзан, ривожланиш лойиҳаси, компания ёки ўз ҳукумати муҳокама қилинса, одамларга таҳдидлар бўлади ёки уларга зарар етказилади. Ривожланиш лойиҳаси ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам одамларни хавф остига қўйиши мумкин.

Даставвал тадқиқот гурухининг ҳар бир аъзоси ва тадқиқотнинг ҳар бир иштирокчиси учун мавжуд бўлган хатарларни муҳокама қилинг ва кейин улардан иштирок этишини хоҳлаш ёки хоҳламасликларини сўранг. Ўз ҳикоялари ва ғоялари билан ўртоқлашишар экан, аъзолар сизга ишонч билдиришади. Доимо уларнинг шахсиятини ва уларнинг ҳисстүғуларини ҳимоя қилинг. Фотосуратлар, видеолар ва иқтибослардан қандай фойдаланиш мумкинligини тушунтиринг ва улардан фойдаланишдан олдин рухсат сўранг.



## Ресурслар құтиси.

Хатарларни түшуниш ва хавфсизлик режасини түзиш үчүн 11 тилда чоп этилган ва Frontline Defenders томонидан тайёрланған **Хавфсизлик бүйіча иш китобига** мурожаат қилинг.

→ [bit.ly/HRDWorkbook](http://bit.ly/HRDWorkbook)

Tactical Tech томонидан тайёрланған **Security in-a-Box (“Қутидагы хавфсизлик”)** құлланмасини үқиб, телефонингиз ёки компьютернгиздеги маълумотларни қандай ҳимоя қилишни билиб олинг.

→ [securityinabox.org/en/tactics/](http://securityinabox.org/en/tactics/)

## 5. ТАДҚИҚОТ ВОСИТАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИНГ

Жамоа хариталарини түзиш, жамоа мониторинги, сўровномалар ва сўровлар каби кўплаб тадқиқот воситалари мавжуд. Биз муҳокама қиласидан мисоллардан бири бу жамоа томонидан ўтказилган сўровнома намунасиdir. Жамоа бошчилигига ўтказиладиган сўров одатдаги сўровдан фарқли ўлароқ, нафақат маълумот тўплаш билан боғлиқ, балки у жамоа ва тадқиқот гурухи орасида маълумот ва фикр алмашиш имконини беради. Тадқиқот гурухи иштирокчилари тадқиқот мавзуси тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари учун қандай контекстли маълумотларни бўлишиши кераклигини ўрганиб чиқинг. Масалан, агар сиз таклиф қилинган ривожланиш лойиҳаси бўйича жамоатчилик тажрибаси ҳақида маълумот қидирсангиз, мамлакатингизда ривожланиш дастури қандай ишлаб чиқилганлиги, молиялаштирилиши ва амалга оширилиши ҳақида маълумот тайёрланг.

Агар гуруҳингиз жамоа бошчилигидаги сўровни ўтказиш тўғрисидаги қарорга келса, саволлар дикқат марказида, тушунарли бўлишига ва ҳамкорлиқда ишлаб чиқилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Сиз баъзи саволларга «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб беришни, жавобларни танлаш ёки очиқ шарҳлар учун жой қолдириш тўғрисида қарор қилишингиз мумкин. Жавоблар шахсий тажрибаларга асосланған бўлиши мумкин

ёки жамоанинг қай йўсинда ривожланишига оид истак-хоҳишларга, агар улар мавжуд бўлса, таяниши мумкин. Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар учун сўровномага киритиладиган саволлар, қўйилган мақсадларга қараб турли хил мавзуларни қамраб олиши мумкин. Масалан, тасаввур қилинг, автомобиль йўллари лойиҳаси амалга оширилса, жамоа үйларини йўқотиши мумкин. Каби саволларни кўриб чиқинг:

**“Агар сиз кўчиб ўтишингиз керак бўлса, бу фарзандларингизга қандай таъсир қиласи?”**

**“Агар сиз кўчиб ўтишингиз керак бўлса, сизнинг ишингиз ёки яшашингизга қандай таъсир қиласи?”**

**“Агар сиз кўчиб ўтишингиз керак бўлса, қайси умумий манбалар ёки жойлардан маҳрум бўласиз?”** (Мактаблар, ибодатхоналар, дарёлар ва бошқалар) каби саволларни кўриб чиқинг.

Саволлар аниқ, тартибли ва тушунарли бўлишини таъминлаш учун тадқиқот гуруҳингиз билан сўровнома лойиҳасини кўриб чиқинг. Жамоа аъзоларини бир-бирларидан интервью олишга ва ўзаро ишончни оширишга қаратилган машклар ўтказишга чорланг. Тадқиқот жараёнини якунлаш ва жамоа учрашувлари ёки ташки сафарларни режалаштириш учун зарур бўлган вақтни баҳоланг.

Агар сиз ўтмишдан олинган мисолларни излаётган бўлсангиз, XMЛнинг Global Advocacy Team (Глобал адвокация гуруҳи) нинг таркибига кирувчи 8 мамлакат фаоллари ўзларининг жамоа бошчилигидаги тадқиқотлари учун сўровнома шаблонини яратишган. Жамият бошчилигидаги тадқиқотлар учун мўлжалланган Сўровнома намунасини ишлатинг ёки уни мослаштиринг ёхуд ўзингизнинг жамоангиз учун янгисини яратинг ва синовдан ўтказинг!

Сиз фойдаланадиган восита тўғрисида қарор қабул қилганингиздан сўнг, тўпланган тадқиқотларни ташкил қилиш тизимини ўрнатинг. Тадқиқотни ташкил этиш тадқиқот гурухига, ҳамкорларга ва жамоат аъзоларига кампаниянинг бир қисмига айланишдан олдин натижаларини тушунишга

ёрдам беради. Базы дастурлар сүров маълумотларини автоматик равишда таҳлил қиласди, аммо бу Интернетга уланишни талаб қилиши ва жамоанинг маҳаллий тилида мавжуд бўлмаслиги мумкин. Уларнинг баъзилари учун тўловларни амалга ошириш керак.



## Ресурслар қутуси!

Data-Center томонидан тайёрланган **Campaign Research Toolkits** каби ресурслар воситаларни яратишида қўл келиши мумкин

→ [bit.ly/CampaignResearchToolkit](http://bit.ly/CampaignResearchToolkit)

Сўровномалар учун,

**Survey Monkey** ([www.surveymonkey.com](http://www.surveymonkey.com)),

**Google Forms** (<https://www.google.com/forms/about/>)

ва **KoBo** (<http://www.kobotoolbox.org/>) дастурлар

тадқиқот натижаларини тартибга солиш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

2

## ТАДҚИҚОТ

### 6. ЖАМОАНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЖАЛБ ҚИЛИНГ

Тадқиқот гурухи учун мунтазам равишда ва тадқиқотни ўтказиш жараёнида **жамоани янгилаш ва кенгроқ жалб қилиш** жуда мухим, шунда бу том маънодаги жамоавий ҳаракат бўлади. Фаолият тўғрисида хабардор қилиш жараёни, шунингдек, жамоани таҳлил қилиш ва таклифлар киритиш учун йиғилиши керак бўлган вақтни белгиланг.

Жараён бошида тадқиқот гурухининг режалари ва мақсадлари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоа доираси билан ўртоқлашинг ва мувофиқлаштиринг. Тадқиқот жараёни бошлаш учун тайёр бўлганида, тадқиқотнинг қандай қилиб ўтказилишига оид маълумотлар билан ўртоқлашинг. Натижаларга оид якуний тўхтамга келишдан ёки эълон қилишдан олдин дастлабки натижаларни жамоанинг кенг доираси билан таҳлил қилинг. Жамоадан натижаларни текшириш ва таҳлил қилишни, шунингдек, уларнинг мақсадлари ёки кампанияси учун энг мухим бўлган тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаб беришни сўранг.



Ресурслар  
қўтуси:

**Communication and Power:** CIRASning  
Жамоалараро мулоқот қилиш бўйича турли хил  
усуллар ва мисолларни тақдим этувчи қўлланма  
→ [bit.ly/CommunicationPowerEng](http://bit.ly/CommunicationPowerEng)

## 7. МАЪЛУМОТЛАРНИ ТҮПЛАНГ

Жамоанинг барча аъзолари тўлақонли иштирок этишини таъминлаш учун қандай маълумотлар билан ўртоқлашиш ва маълумотларни қандай қилиб тўплашни режалаштиринг. Масалан, агар баъзи бир жамоа аъзолари ўқиш ёки ёзишни билмаса, тушунтиринг ва тадқиқот жараёнини барча бирдек унда қатнаша оладиган тарзда ўтказинг. Иштирокчилардан ўзларининг суратлари, исмлари ва шахсларига оид маълумотларни жамоатчиликка ошкор этилишини исташлари ёки истамасликларини сўранг. Шунга қарамай, тадқиқотда иштирок этадиган **жамоа аъзоларининг шахсларига оид маълумотларни синчковлик билан ҳимоя қилиш** муҳимdir.

Иштирокчиларни аниқлашга ёрдам бериш учун жамоат ташкилотларида фаол бўлган ва жамиятдаги кўплаб одамларни биладиган одамларга мурожаат қилинг. Тадқиқот гуруҳи доимий равишда кам тамсил этилган ёки жамоадаги муҳокамалардан четлатилган одамларни қандай қилиб жамоага интеграция қилишини ўйлаб чиқинг. Агар баъзи одамлар жамоа бошчилигидаги тадқиқотларда қатнашмасликка қарор қилсалар, тадқиқот гуруҳи уларнинг қарорларини ҳурмат қилишига ишонч ҳосил қилинг.

Тадқиқот жараёнига бутун жамоани жалб қилишнинг иложи бўлмаслиги мумкин. Нуқтаи назарларнинг репрезентатив танламасини тўплаш учун камида 100 киши билан тадқиқот жараёнини ўтказишни мақсад қилиб қўйинг. Хавфсизликка берган баҳоингиз асосида тадқиқот гуруҳи саволларни якка тартибда ёки 10 кишидан кам бўлган кичик гурухларда муҳокама қилиши мумкин ва агар зарурат бўлса, шахснинг аниқ жавоблари ва шарҳларини ёзиси олишга ёрдам бериши керак. Ҳар бир тадқиқот гуруҳи аъзоси тўпланган маълумотларнинг аниқ ва изчил бўлишини таъминлаш учун йигиш жараёнида фаол иштирок этиши керак.

Сўровларни ўтказаётганда, масалан, тадқиқот гуруҳи аъзолари бир вақтнинг ўзида битта савол беришлари ва номаълум сўзларга аниқлик киритишлари керак. Эсингизда бўлсин, диққат билан тингланг, ҳеч кимнинг жавобларини узманг ёки изоҳламанг ва ҳар бир саволга жавоб бериш учун иштирокчиларга етарли вақт беринг. Баъзида

одамлар оғир воқеаларни эслаб, ҳиссиётларга берилиб кетиши мүмкін. Тоқатли ва сабрли бўлинг.



**Ресурслар  
қутуси.**

**Transect Walks:** CatComm томонидан фойдаланиладиган кузатув асосида жамоани такомиллаштириш билан шуғулланадиган гурухлар учун мўлжалланган восита  
→ <http://catcomm.org/transect-walk>

## 8. ТАДҚИҚОТ ВА ТАВСИЯЛАР ЛОЙИХАСИ

Энди барча маълумотлар тўпланганидан сўнг, тадқиқотни уни чуқурроқ тушуниш учун тадқиқотларингизни бирлаштириш вақти келди. Агар тадқиқотингизни таҳлил қилиш учун дастурий таъминотдан фойдаланаётган бўлсангиз, тадқиқот гурухи уни синаб кўрганлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар сиз тадқиқотларингизни дастурий таъминотсиз таҳлил қилишини режалаштираётган бўлсангиз, у ҳолда ҳар бир босқичда нақадар силжиётганлигини қандай қилиб аниқлаш мүмкинлигини ўйлаб кўринг.

Агар сизнинг тадқиқот воситангиз сўровнома бўлса, аввал ҳар бир сўровномани рақамлаб чиқинг ва ҳар биридан иккитадан нусха олинг. Маълумотлар ва иштирокчиларни ҳимоя қилиш учун сўровномани ва нусхаларини кўриб чиқаётганда хавфсиз ва ҳимояланган жойда сакланг.

Барча маълумотлар бир жойда қайд этилгандан сўнг, тадқиқот гурухи уларнинг аниқлигини текшириши керак. Ҳар бир жавоб тўғри ёзилганми? Одамлар жавоблар рўйхатидан танлаган саволлар (ҳар бир савол) учун жавоблар фоизини ҳисобланг.

Одамларнинг шарҳларига эътибор беринг. Масалан, одамлар мажбуран кўчирилган жамоада кўпчилик жисмоний зўравонлик ҳақидаги ҳикояларини сиз билан ўртоқлашиши мумкин. Ушбу воқеаларни ҳужжатлаштириш орқали рақамли маълумотлар ортида, таъсирли, шахсий ҳикоя ортида тирик инсонлар борлигини кўрсатиш мумкин.

Шахсий ҳикояларни айтиб бериш тадқиқотни янада жозибали қиласди ва унга шахсий тус беради. Иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни доимо сир тутишингиз керак бўлса-да, улардан баъзилари ўз ҳикоялари оммага ошкор қилиниши хоҳишини билдиришлари мумкин. Ҳикояни оммага маълум қилишдан олдин, уларнинг асл исмини ишлатмасангиз ҳам, уларнинг розилигини олишни унутманг.

Энди сизнинг тадқиқот мақсадларингиз билан бевосита боғлиқ бўлган маълумот, тенденциялар ва нақшлар учун изланишларингизни (шарҳларни ўз ичига олган ҳолда) кўриб чиқинг. Маълумотларни таҳлил қилиш тажрибасига эга бўлган иттифоқчи сизнинг натижаларингизни таҳлил қилишга ҳам ёрдам беради.



## Ресурслар қутиси:

Олган маълумотларингизни таҳлил қилишда ёрдам бериши учун Пиматизивндаги **Маълумотларни босқичма-босқич сифатли таҳлил қилиш бўйича қўлланма** функциясидан фойдаланинг

→ [bit.ly/QualitativeDataAnalysis](http://bit.ly/QualitativeDataAnalysis)

Ўзингизнинг жамоангизга оид тадқиқотлар ва олинган натижалар ҳақида қандай қилиб ҳикоя қилиш бўйича ғояларга эга бўлиш учун Capacity Canada томонидан ҳозирлаган **Storytelling Manual (Ҳикоя айтиш бўйича қўлланма)** дан фойдаланинг.

→ [bit.ly/StorytellingManual](http://bit.ly/StorytellingManual)

## **9. ТЕСКАРИ АЛОҚА УЧУН ЛОЙИХАНИНГ ҚОРАЛАМА ВЕРСИЯЛАРИ БИЛАН ҮРТОҚЛАШИНГ**

Бутун тадқиқотларингиз натижаларининг дастлабки лойиҳасини яратинг ва жамоатчилик билан баҳам кўринг. Натижаларни ҳар кимга очик бўлиши учун уларни турли хил форматларда бўлишишингиз керак бўлиши мумкин. Масалан, агар жамоада ҳеч ким ўқишни билмаса, натижаларни баҳам кўриш учун фотосурат тақдимотини яратиш керак бўлиши мумкин.

Агар бунга ишончингиз комил бўлса, тадқиқотнинг бошида сиз билан боғланган ҳамкорлар, расмийлар ва қарор қабул қилувчилардан натижаларингизни кўриб чиқиши сўраб кўринг. Агар фойдали бўлса, уларни оммага етказишдан олдин тадқиқот ва дастлабки тавсияларни кўриб чиқиши илтимос қилинг. Бирок, уларнинг фикр-мулоҳазалари жамият томонидан тавсия этилган устувор йўналишларни ўзгартирмаслиги керак. Барча маълумотлар олинганидан сўнг, сизнинг тарғибот ишидаги мақсадларингизга қараб, қайси тадқиқотларга устувор аҳамият бериш ва кампаниянгизни интеграциялаш масалаларини қилинг.

Бутун дунёдаги ХМЛнинг Global Advocacy Team (Глобал адвокация гурухи) томонидан яратилган намуна ёрдамида жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказган жамоат ташкилотчилари таҳрибаси билан танинг

**Жамоа бошчилигидаги тадқиқот Сүхгөрел ҳикояси:**

→ [bit.ly/sukhgerelstory](http://bit.ly/sukhgerelstory)

**Жамоа бошчилигидаги тадқиқот: Элиас ҳикояси**

→ [bit.ly/eliasstory](http://bit.ly/eliasstory)

**Жамоа бошчилигидаги тадқиқот: Мела ҳикояси**

→ [bit.ly/melassstory](http://bit.ly/melassstory)



**Ресурслар  
қутуси:**

# 3

## Тарғиб қилиш

### 10. ЯКУНИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ТАВСИЯЛАР БИЛАН ЎРТОҚЛАШИНГ

Энди жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни кампанияга киритиш вақти келди!

Тайёргарлик босқичида асосий аудиториялар аниқланганлиги сабабли, натижалар ва тавсияларни тарқатиш стратегиясини кўриб чиқинг. Масалан, қарор қабул қилувчиларга маҳаллий даражада таъсир қилиш хавфсизлигини аниқлаган бўлсангиз, сўров натижаларини баҳам кўриш учун жамоада тадбирлар ўтказиш тўғрисида ва уларни фотосуратлар ва видеолар билан ҳужжатлаштириш тўғрисида ўйлаб кўринг. Алоқаларга эга бўлган мақсадли аудитория сизнинг жамоангиз ёки мамлакатингиздан ташқарида бўлса, ҳамкорлар билан маслаҳатлашишингиз ва улар сизга маҳаллий қарор чиқарувчилар билан боғланишингизга ёрдам беришлари мумкин.

Сиз таъсир ўтказмоқчи бўлган одамларни ўрганиб чиқинг ҳамда тадқиқот ва тавсияларни қабул қилиш ва уларга амал қилишининг энг яхши усули ҳақида ўйлаб кўринг. Тадқиқот гуруҳи ҳамда жамоа тадқиқот ва тавсияларни баҳам кўришга қандай қарор қилганларини яна бир бор кўриб чиқинг. Ёзма ҳисобот энг яхши усуслми? Агар шундай бўлса, қанча вақт ва қайси формат уларни ўқишга ундейди? Шахсий тақдимот қилишингиз керакми ёки норозилик рамзларини яратиш яхшироқми, видео, инфографик ёки веб-сайт яратиш учун зарурат борми? Ҳамкорлар сизга кўнгилли видео муҳаррири, график дизайнер

ёки рассомни топишда ёрдам бериши мүмкін. Стратег бўлинг ва ишга ижодий ёндашинг!



## Ресурслар қутуси:

Халқаро ҳисобдорлик лойиҳаси томонидан ҳозирланган **“Ривожланишга қайтиш: Том маънодаги ривожланишга қаратилган даъват”** деб номланган ҳужжатда саккиз жамоа ташкилотчилари қандай қилиб жамоа етакчилигидаги тадқиқотлар натижалари билан баҳам кўришганларига оид мисоллар ва ҳикоялар келтирилган

→ [bit.ly/whatdevelopmentcouldbe](http://bit.ly/whatdevelopmentcouldbe)

Олган натижаларингизни ийрикроқ кампания давомида қандай ишлатишни ўрганиш учун **The Mobilisation Cookbook (Сафарбарлик бўйича ошхона китоби)**: Маблабнинг одамлар иштирокида олиб бориладиган кампаниялар учун мўлжалланган қўлланма" сидан фойдаланинг

→ [bit.ly/MobilisationCookbook](http://bit.ly/MobilisationCookbook)

Маълумотларингиздан қандай қилиб визуал шакллар яратишни ўрганиш учун Tactical Tech томонидан ҳозирланган **“Visualizing Information for Advocacy” (Адвокация учун маълумотларни визуаллаштириш)** қўлланмасининг сўнгги бобидан фойдаланинг

→ [bit.ly/VisualisingForAdvocacy](http://bit.ly/VisualisingForAdvocacy)

The Change Agency томонидан тайёрланган **Critical Path Analysis (Мушкул йўл таҳлили)** - жиддий ўзгаришларга эришишингиз учун тадқиқотларингизни қандай қилиб позициялашингиз мүмкинлиги ҳақида ўйлашга ёрдам берадиган бир қатор машқлардан иборат.

→ [bit.ly/changeagency](http://bit.ly/changeagency)

## 11. БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ!

Тадқиқот натижалари ва тавсиялари билан алмашиш, ўзгаришларни талаб қилиш борасида ва бошқаларни жамоани ривожлантиришга оид режалар ва ғоялардан боҳабар қилиш ва уларни сафарбар қилишда ташланадиган мухим қадам бўлиши мумкин.

Жамоа бошчилигидаги тадқиқот жараёнининг бошида белгиланган вақт жадвалига риоя қилинг, ҳар бир қадамни мунтазам равишда текшириб туринг ва агар бунга зарурат бўлса, ғалабалар ва янги имкониятлардан фойдаланиш учун ёндашувга ўзгаришлар киритинг.

Бошқа жамоалар, ижтимоий ҳаракатлар ёки фуқаролик жамияти гурухлари тадқиқот ва тавсиялардан фойдаланишлари мумкин. Ўз ишингиз ҳақидаги маълумотлар билан улар билан бўлишиш тўғрисида ўйлаб кўринг!



**Ресурслар  
қўтиси:**

**Осиё тараққиёт банки учун “Жамоавий фаолият бўйича қўлланмаси”** да жамоа бошчилигидаги тадқиқотларингиздаги фаолиятларингизга оид ғоялар таклиф қилинган.

→ [bit.ly/Adbguide](http://bit.ly/Adbguide)

Repeal the Deal Productions томонидан ишлаб чиқилган **Ютуқларимиз сарҳисоби: Оммавий таълим ва ташкилотчилик ишлари бўйича ўқув қўлланмасида** бошқаларни тадқиқотингиз мавзуи бўйича ўқитиш ва ташкиллаштириш ишлари бўйича тренинг материаллари келтирилган

→ [bit.ly/CountingOurVictories](http://bit.ly/CountingOurVictories)

**ActionAid's Bridge** ёрдамида ҳаракатлар режасини ишлаб чиқинг ва баҳоланг

→ [bit.ly/actionbridge](http://bit.ly/actionbridge)

## 12. МУЛОҲАЗАЛАР

Тарғибот ишлари бошлангандан сўнг, тадқиқот гуруҳи томонидан кампания мақсадларига эришиш борасидаги ютуқларингизни акс эттириши учун бир неча санани белгиланг. Тадқиқот гурухингизни жамоа бошчилигидаги тадқиқот жараёни ҳақида фикр юритишни, мақсадларингизга эришиш йўлида қаерга етиб борганингизни аниқлашни, янги муаммоларни мухокама қилишни ва кейинги қадамларингизни ўзгартиришни ўйлаб кўришни таклиф қилинг. Фикр юритиш ҳам алоҳида шахслар, ҳам жамоанинг кенг доираси учун ўрганиш ва байрамона тажриба бўлиши мумкин. Мулоҳазалар тадқиқот жараёнининг ҳар қандай босқичида ҳам, кампания якунланганидан сўнг ҳам содир бўлиши мумкин.



### Ресурслар қутуси:

Тадқиқот жараёни ва кампаниянгизни акс эттиришнинг тизимли усули сифатида **Counting Seeds for Change: Reflect Evaluation Framework- Ўзгаришлар ясаш учун уруғларни ҳисоблаш**: деб номланган SARN томонидан ҳозирланган рисола ёрдамида баҳолаш тизимини акс эттиринг  
→ [bit.ly/CountingSeedsForChange](http://bit.ly/CountingSeedsForChange)

**Энди сиз ушбу 12 босқичнинг барчасини босиб ўтганингиздан сўнг,** жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар нима эканлигини ва уни ўзингиз қандай қилиб бажаришингиз мумкинлиги ҳақида чуқурроқ маълумотга эга бўлдингиз деган умиддамиз. Турли жамоалар жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни бошқача тарзда ташкил қилишади – унинг жозибадорлик ҳам ана шунда!

**Сиз жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни бошлашга тайёрмисиз?**

**Ушбу Эслатмадан йўл кўрсаткич сифатида фойдаланинг!**



INTERNATIONAL  
**ACCOUNTABILITY PROJECT**

---

[accountabilityproject.org](http://accountabilityproject.org)

---